В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БРАТОВА (КАКАДЖАНОВА) ЛЕЙЛА РЭШИТОВНА

ФУНКЦИЯЛАР СИНФИ БИЛАН ИНДЕКСЛАНГАН ЭМПИРИК ЎЛЧОВЛАРНИНГ АСИМПТОТИК ХОССАЛАРИ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 519.24

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БРАТОВА (КАКАДЖАНОВА) ЛЕЙЛА РЭШИТОВНА

ФУНКЦИЯЛАР СИНФИ БИЛАН ИНДЕКСЛАНГАН ЭМПИРИК ЎЛЧОВЛАРНИНГ АСИМПТОТИК ХОССАЛАРИ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/FM228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http:kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдушукуров Абдурахим Ахмедович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рахимов Абдуғофур Абдумажидович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Сагидуллаев Калмурза Сапарбаевич физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Наманган Давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 9 » декабр соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (126-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » ноябр куни тарқатилди.
(2021 йил « 24 » ноябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д.,катта илмий ходим

Я.М.Хусанбаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси муовини,
ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар кўп ҳолларида статистик маълумотларни тиббий-биологик жараёнларда таҳлил қилиш, муҳандисликда объектларнинг бетўхтов ишлаш вақтининг қийматлари қисмий тизимларни ишдан чиқиши ходисасига боғлиқлигини текшириш ва суғурта компанияларининг мижозларига тўловлар миқдори суғурта ҳодисаларини боғлиқлигини тадқиқ қилиш каби масалаларига келтирилади. Замонавий эмпирик жараёнлар назариясининг тадқиқот объектлари ўлчовли функциялар синфи билан индексланган эмпирик ўлчовлардир. Бу назариянинг асосини ўлчовли функциялар барча синфи бўйича текис катта сонлар қонунлари (КСҚ), кучайтирилган катта сонлар қонунлари (ККСҚ), марказий лимит теоремалар (МЛТ) вариантлари ва бошқа лимит теоремалар ҳамда уларни математик статистиканинг асимтотик масалаларига татбиқи ташкил қилади. Фазоларда текис метрика билан яратилган топологияда индексациялар синфи мураккаблик даражасига нисбатан маълум шартлар талаб қилинганда махсус яқинлашиш назарияси ишлаб чиқилган (энтропия шартлари). Эмпирик жараёнларнинг бу турдаги натижалари аслида тўғри чизикнинг бирор ярим интервалида кузатув индикатори билан индексланган эмпирик процесслар учун Гливенко-Кантелли ва Донскер классик теоремаларининг умумлашган аналогларини топиш эҳтимоллар назарияси ва математик статистикада долзарб ва муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда, агар эмпирик жараён ўлчовли функциялар синфи билан индексланган бўлса, унда замонавий энтропия назарияси КСҚ ва МЛТ варианталарини аниқлашга имконини беради, бу эса ўлчовли функцияларнинг маълум бир синфига, шу жумладан Гливенко-Кантелли ва Донскер теоремаларини аналогларини топиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Амалиётда шундай экспериментал вазиятлар мавжуд бўлиб, унда тасодифий микдорлар маълум ҳодисалар билан бирга кузатилиши ёки ундан ҳам кийин, тасодифий микдорларнинг ўзи бутунлай кузатилмаслиги мумкин. Бу борада: ўлчовли функциялар синфи бўйича индексланган боғлиқсизликнинг эмпирик процессларни асимптотик хоссаларини таҳлил қилиш, тасодифий миқдор ва ҳодисаларнинг боғлиқсизлигини текшириш критерийларини қуриш ва индекслаш синфи бўйича текис КСҚ ва МЛТ исботлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларниниг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг долзарб йўналишларига, жумладан замонавий эмпирик жараёнлар назариясига эътибор қаратилди. «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» фанининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар натижасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Мазкур қарор ижросини таъминлашда замонавий эмпирик жараёнлар соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалаларнинг асосий ечими бу диссертация ишининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадкикотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадкикоти муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан-техника тараккиётининг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди IV. «Математика, механика ва информатика».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўлчовли функциялар синфи билан индексланган эмпирик процесслар бир катор муаллифлар ишларида ўрганилган. Хусусан, қуйидаги ишларни таъкидлаш лозим: индексация синфларига нисбатан маълум энтропия шартларида Гливенко-Кантелли ва Донскер классик теоремаларининг умумлашмалари ўринли бўладиган тўпламлар синфи ва функциялар билан индексланган абстракт эмпирик процесслар J. Bae, S. Kim, И.С. Борисова, R.M. Dudley, P. Gaensler, W. Stute, S.B. Harris, S.W. Kim, J. Kuelbs, R.M. Dudley, D.M. Mason, M. Ossiander, D. Polland, A.W. Van der Vaart, J.A. Wellner ва A.W. Varron ларнинг ишларида ўрганилган бўлиб уларда КСҚ ва МЛТ текис вариантлари исботланган.

Замонавий эмпирик жараёнлар назарияси натижаларини математик статистика муаммоларида қўллаш D.M. Mason, A.W. Van der Vaart, J.A. Wellner ишларида акс эттирилган. Бироқ, богликсизликнинг эмпирик процессларини тадкикотларига олиб келадиган тасодифий микдор ва ҳодисанинг богликсизлигини текширишда пайдо бўладиган масалалар ҳали ўрганилмаган. Бундан ташқари, кузатишлар тўлик бўлмаган такдирда, бундай эмпирик процесслар фақат J. Bae ва S. Kim нинг ишларида бутун тўгри чизикда аникланмаган купайтма Каплан-Мейер баҳоси ёрдамида текширилган бўлиб, бу унинг интеграл структурага эга булган эмпирик процессларни ўрганишда фойдаланишни кийинлаштиради.

Мавжуд адабиётларни таҳлили шуни курсатадики ҳозирга қадар ўлчовли функциялар синфи билан аниқланган богликсизликнинг эмпирик

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори

процессларининг чукур асимптотик таҳлили етарли даражада олиб борилмаган экан.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ф4-01 «Тақсимотларнинг функционал характеристикаларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва статистик баҳоларнинг асимптотик хоссаларини тадқиқ» (2012-2016 йиллар), Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ф4-40 «Ўлчовли функциялар синфида индексланган интеграл эмпирик процессларнинг асимптоотик хоссаларани тадқик этиш» (2017-2020 йиллар) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади боглиқсизликнинг эмпирик ва кетма-кет эмпирик процессларни, тўлиқ бўлмаган кузатувлар асосида тузилган кетма-кет интеграл эмпирик процессларни таҳлил қилиш, ҳамда улар учун индекслаш синфлари бўйича текис катта сонлар қонунлари ва ўсиб бораётган ҳажмда марказий лимит теоремаларни исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

индикаторлар синфи бўйича индексланган боглиқсизликнинг эмпирик процесслари учун кучли аппроксимация натижаларини аниқлаш;

ўлчовли функциялар синфи бўйича индексланган боглиқсизликнинг эмпирик процессларни ўрганиш ва улар учун индекслаш синфида текис КСҚ ва МЛТ вариантларини яъни, тасодифий ҳажмли танламалар бўлган ҳолда;

боглиқсизликнинг эмпирик характеристик процессини таҳлил қилиш;

ўлчовли функциялар синфи бўйича индексланган боглиқсизликнинг кетма-кет эмпирик жараёнларини ўрганиш, улар учун текис КСҚ, ККСҚ ва МЛТ вариантларини исботлаш;

ўлчовли функциялар синфи бўйича индексланган боглиқсизликнинг кетма-кет интеграл эмпирик процессларни ўрганиш, улар учун МЛТ ларни ўрнатиш;

ўнг томондан цензурланган кузатувлар асосида тузилган индексланган боглиқсизликнинг кетма-кет интеграл эмпирик процессларни ўрганиш ва улар учун текис КСҚ ни исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти боглиқсизликнинг эмпирик ва кетма-кет эмпирик процесслари, ҳамда тўлиқ бўлмаган кузатишлар асосидаги кетма-кетлик процесслари.

Тадқиқотнинг предмети замонавий эмпирик жараёнлар назарияси, энтропия назарияси, функционал фазоларда эҳтимоллик ўлчовлари якинлашиш назарияси ва статистик гипотезалани текшириш назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишда функционал фазолардаги эмпирик процесслар учун кучли аппроксимация усуллари, энтропия ва аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

мос равишда нормаллаштирилган индикаторлар синфи бўйича индексланган боглиқсизликнинг эмпирик процессларининг Броун кўприклари кетма-кетлиги билан кучли аппроксимация натижаси исботланган;

детерминистик ва тасодифий хажмли танлама учун ўлчовли функциялар синфи билан индексланган боғлиқсизликнинг эмпирик процесслари учун индекслаш синфидаги текис катта сонлар қонуни, кучайтирилган катта сонлар қонуни ва марказий лимит теоремалари вариантлари исботланган;

индексация синфи бўйича боғлиқсизликнинг кетма-кет интеграл эмпирик процесс учун текис марказий лимит теорема исботланган;

ўнг томондан цензурланган кузатишлар асосида тузилган кетма-кет интеграл эмпирик процесслар учун текис кучайтирилган катта сонлар қонуни исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси тузилган ва ўрганилган ўлчовли функциялар синфи бўйича индексланган эмпирик ва кетма-кет эмпирик процесслар, тасодифий миқдор ва ҳодисанинг боғлиқсизлиги ҳақида гипотезасини текшириш учун статистикаларнинг кенг синфининг лимит тақсимот қонунларини ва ўнг томондан цензурланиш ҳолатида кузатувлари учун индекслаш функциялари синфи бўйича интегралларни тақрибий ҳисоблашларни баён қилинганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эҳтимоллар назарияси, математик статистиканинг асимптотик назарияси, шунингдек, математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти боғлиқсизликнинг эмпирик ва кетма-кет эмпирик процесслари, ҳамда тўлиқ бўлмаган кузатишлар асосидаги интеграл кетма-кет процессларини тузиш ва улар учун индекслаш синфи бўйича текис КСҚ ва МЛТ исботлаш имконини беган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббий-биологик, демографик, муҳандислик ва суғурта ишларида олинган статистик маълумотларни таҳлил қилиш, статистик баҳолаш назарияси ва гипотезаларни текширишга имкон бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Функциялар синфи билан индексланган эмпирик ўлчовларнинг асимптотик хоссалари бўйича олинган натижалар асосида:

ўнг томондан цензурланган кузатишлар асосида тузилган кетма-кет интеграл эмпирик процесслар учун текис кучайтирилган катта сонлар қонунидан ЁОТ-ФТЕХ-2018-154 рақамли “Z^d панжараларида ва Γ^k Кэли дарахтларида гамильтонианлар спектрлари ва Гиббс ўлчовлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада Гиббс ўлчовларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 28 октябрдаги №04/11-6835-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши тўлиқ бўлмаган статистик танланмаларнинг ўнг томондан тасодифий цензурланиш моделида Козиол-Гриннинг пропорционал интенсивликлар хусусий моделининг ўринли бўлишини аниқлаш имконини берган;

детерминистик ва тасодифий хажмли танлама учун ўлчовли функциялар синфи билан индексланган боғлиқсизликнинг эмпирик процесслари учун индекслаш синфидаги марказий лимит теоремаси вариантидан “APEX LIFE” АЖ сугурта компаниясида бахтсиз ҳодисалар ва юқумли касалликлардан сугурталаниш учун тариф ставкалари қийматларини ҳисоблашда фойдаланилган (“APEX LIFE” АЖ Сугурта Компанияси 2021 йил 15 июл №ALI-01/0548-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши 1-класс бахтсиз ҳодисалардан сугурталаниш, ҳамда 2-класс юқумли касалликлардан сугурталаниш бўйича сугурта маҳсулотлари учун тариф ставкалари қийматларини ҳисоблашда, сугурта маҳсулотлари нархини баҳолашда хавфларни таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халкаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та макола, жумладан, 4 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса, А приложенияси, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг асосий қисмнинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

$(\Omega,\mathcal{A},P)$ эҳтимоллар фазосида аниқланган, $(\mathfrak{X},\mathfrak{B})$ ўлчовли фазода ўзининг қийматларини қабул қилувчи X_k тасодифий миқдор (т.м.) берилган бўлиб богликсиз тажрибалар кетма-кетлигида $\{(X_k,A_k),k\geq 1\}$ жуфтлик кузатилаётган бўлсин. Бу ерда $\mathfrak{X}\subseteq\mathbb{R}^1$ ва $\mathfrak{B}=\sigma(\mathfrak{X})$-$\mathfrak{X}$ дан олинган Борел тўпламларининг сигма алгебраси. A_k ҳодиса $p=P(A_k)\in(0,1)$ умумий эҳтимолга эга. $\mathbb{S}^{(n)}=\{(X_k,\delta_k),1\leq k\leq n\}$ танланма кузатилаётган бўлсин, бу ерда $\delta_k=I(A_k)$-индикатор. Хар бир (X_k,δ_k) жуфтлик $(\mathfrak{X}\otimes\{0,1\},\mathcal{U},\mathcal{P})$статистик моделни индуцирлайди, бу ерда $\mathcal{U}$ - сигма-алгебра $\mathbb{D}\subseteq\{0,1\}$ қисм тўпламдаги ва $\mathbb{B}\in\mathfrak{B}$ Борел тўпламларининг $\mathbb{B}\otimes\mathbb{D}$ кўпайтма кўринишидаги тўплам сигма алгебраси. $\mathcal{U}$ сигма-алгебрада берилган $\mathbb{D}=\{0,1\}$ да аниқланган

$$\{\mathcal{P}(\mathbb{B}\otimes\mathbb{D})=P(X_k\in\mathbb{B},\delta_k\in\mathbb{D}),\mathbb{B}\in\mathfrak{B},\mathbb{D}\subset\{0,1\}\}$$

тақсимотни

$$\begin{gathered}\mathbb{Q}(\mathbb{B})=\mathcal{P}(\mathbb{B}\otimes\{0,1\})=\mathcal{P}(\mathbb{B}\otimes\{0\})+\mathcal{P}(\mathbb{B}\otimes\{1\})=\\=\mathbb{Q}_0(\mathbb{B})+\mathbb{Q}_1(\mathbb{B}),\ \mathbb{B}\in\mathfrak{B},\end{gathered}\tag{1}$$

орқали белгилаймиз. Бу ерда $\mathbb{Q}_m(\mathbb{B})=\mathcal{P}(\mathbb{B}\otimes\{m\}),m=0,1$. X_k т.м. ва A_k ҳодисанинг хар бир (X_k,A_k) жуфтликда боглиқсизлиги хақидаги $\mathcal{H}$ гипотезани кўриб чиқамиз. У ҳолда ихтиёрий $\mathbb{B}\in\mathfrak{B}$ учун $\mathcal{H}$ гипотеза ўринлигида $\mathbb{Q}_0(\mathbb{B})=(1-p)\mathbb{Q}(\mathbb{B})$ и $\mathbb{Q}_1(\mathbb{B})=p\mathbb{Q}(\mathbb{B})$. $\Lambda(\mathbb{B})=\mathbb{Q}_1(\mathbb{B})-p\mathbb{Q}(\mathbb{B})$ ишора алмашинувчи ўлчовни киритамиз. У холда (1) ни инобатга олган ҳолда, $\mathcal{H}$ гипотеза ўринлигида, юқорида келтирилган тенгликлар

$$\Lambda(\mathbb{B})=0 \text{ ихтиёрий } \mathbb{B}\in\mathfrak{B} \text{ учун}\tag{2}$$

эквивалент бўлиб колади.

(1) ва (2) формулаларга кирувчи ўлчовларнинг $\mathbb{S}^{(n)}$ танланма бўйича $\mathbb{B}\in\mathfrak{B}$ учун эмпирик аналогларини киритамиз:

$$\begin{gathered}\mathbb{Q}_{mn}(\mathbb{B})=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}I(X_k\in\mathbb{B},\delta_k=m),\ m=0,1,\\ \mathbb{Q}_{0n}(\mathbb{B})+\mathbb{Q}_{1n}(\mathbb{B})=\mathbb{Q}_n(\mathbb{B})=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}I(X_k\in\mathbb{B}),\\ \Lambda_n(\mathbb{B})=\mathbb{Q}_{1n}(\mathbb{B})-p_n\mathbb{Q}_n(\mathbb{B}),\ p_n=\mathbb{Q}_{1n}(\mathfrak{X})=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}\delta_k.\end{gathered}\tag{3}$$

Ихтиёрий $\mathbb{B}\in\mathfrak{B}$ учун, $\mathcal{H}$ гипотеза ўринлигида, $\Lambda_n(\mathbb{B})$ баҳо $\Lambda(\mathbb{B})$ нинг силжимаган баҳоси эканлигини кўриш мумкин. Ундан ташқари ККСҚга кўра хар бир $\mathbb{B}\in\mathfrak{B}$ ва $n\to\infty$ да $\Lambda_n(\mathbb{B})\xrightarrow{\partial.x.}\Lambda(\mathbb{B})$ ўринли.

Эмпирик жараёнлар назариясидан маълумки, бундай натижалар $\mathfrak{B}$ сигма-алгебранинг барча элементларида текис ўринли эмас ва $\mathfrak{B}$ тўпламдан олинган $\mathcal{G}$ махсус синфи учун ўринли. Шунинг учун

$$\left\{\mathbb{G}_n(\mathbb{B})=a_n\left(\Lambda_n(\mathbb{B})-\Lambda(\mathbb{B})\right),\ \mathbb{B}\in\mathcal{G}\right\},\tag{4}$$

кўринишдаги $\mathcal{G}$ - индексланган процессни ($n\to\infty$) асимптотик хоссаларни ўрганиш $\mathcal{H}$ гипотезани текшириш критерийлари учун статистика тузиш нуқтаи назаридан қизиқиш уйготади, бу ерда $\{a_n,n\geq1\}$ тасодифий номанфий нормалланган сонлар кетма-кетлиги. Агар (4) кетма-кетлик учун лимит процесс сифатида $\mathbb{Q}-$Броун кўприги олинса, яъни $\{\mathbb{G}(\mathbb{B}),\mathbb{B}\in\mathcal{G}\}$ Гаусс жараёни нол ўртача ва қуйидаги ковариация билан

$$\operatorname{cov}\left(\mathbb{G}(\mathbb{B}_1),\mathbb{G}(\mathbb{B}_2)\right)=\mathbb{Q}(\mathbb{B}_1\cap\mathbb{B}_2)-\mathbb{Q}(\mathbb{B}_1)\mathbb{Q}(\mathbb{B}_2),\ \mathbb{B}_1,\mathbb{B}_2\in\mathcal{G}\tag{5}$$

берилган бўлса, бу масала янада қизиқарли ва фойдали кўринади.

Диссертация ишида $f:\mathfrak{X}\to\mathbb{R}^1$ ўлчовли функциялар синфи билан $\mathcal{F}$ - индексланган эмпирик процесслари

$$\mathbb{G}_n f = \int_{\mathfrak{X}} f\, d\mathbb{G}_n, \quad f \in \mathcal{F}. \tag{6}$$

кетма-кетликларининг янада кенгроқ синфлари ўрганилади. Эътибор бериш керакки, $\mathcal{F} = \{I(B),\, B \in \mathcal{G}\}$ индикаторлар синфи бўлган холда (4) процесс (6) ни махсус холи хисобланади. (6) кўринишдаги ўрганалаётган процесслар тасодифий $a_n = \sqrt{n}\left[p_n(1-p_n)\right]^{-1}$ оптимал нормировкага эга ва $\mathcal{H}$ гипотеза тўгрилигида лимит тақсимоти куйдаги $\mathbb{Q}$ – Броун кўприги бўлади:

$$\mathbb{G} f = \int_{\mathfrak{X}} f\, d\mathbb{G}\,. \tag{7}$$

У ўртачаси нол ва қуйидаги ковариацияга эга

$$\operatorname{cov}(\mathbb{G}f_1, \mathbb{G}f_2) = \mathbb{Q}f_1 f_2 - \mathbb{Q}f_1\mathbb{Q}f_2, \quad f_1, f_2 \in \mathcal{F}, \tag{8}$$

бу ерда

$$\mathbb{Q}f = \int_{\mathfrak{X}} f\, d\mathbb{Q}.$$

Агар $\mathcal{F} = \{I(-\infty; t],\, t \in \mathbb{R}\}$ индикаторлар синфи бўлса, у холда (5) ифода (8) дан келиб чиқади. Ушбу диссертация ишида $\mathcal{H}$ гипотезани текшириш учун қуйидаги (6) боглиқсизликнинг эмпирик процесслар турлари ўрганилган:

а) $\mathcal{F}$-индексланган жараён

$$\Delta_n f = \int_{\mathfrak{X}} f d\Delta_n = \left[\frac{n}{p_n(1-p_n)}\right]^{1/2} (\Lambda_n - \Lambda)\cdot f, \qquad f \in \mathcal{F}, \tag{9}$$

б) $\mathcal{D} = T \otimes \mathcal{F}$ - кетма-кет индексланган процесс

$$\left\{\Delta_n(s; f) = \frac{[ns]}{\sqrt{np_n(1-p_n)}}\left(\Lambda_{[ns]} - \Lambda\right) f, \quad (s; f) \in \mathcal{D}\right\}, \tag{10}$$

бу ерда $T = [0,1]$ ва $[a]$- a нинг бутун қисми;

в) $\mathcal{N} = \mathbb{R} \otimes \mathcal{F}$ – кетма-кет индексланган процесс

$$\{\nabla_n(t; f) = \Delta_n f_t, \quad (t; f) \in \mathcal{N}\}, \tag{11}$$

бу ерда $f_t(u) = f(u)\cdot I(u \le t)$.

г) ундан ташқари диссертацияда $\mathcal{N}_T = \mathbb{R}_T \otimes \mathcal{F}$ – кетма-кет индексланган интеграл прицесси

$$\left\{\mathcal{U}_n(f_t) = (F_n^{RR} - F) f_t = \int_{\mathfrak{X}} f_t(u)(F_n^{RR} - F)(du), \ (t, f) \in \mathcal{N}_T\right\}, \tag{12}$$

ўрганилган, бу ерда $\mathbb{R}_T = (-\infty, T]$, $T < \inf\{t \in \mathbb{R} : \mathbb{P}(X_k \le t) = 1\}$, $X_k = \min(T_k, C_k)$, $\delta_k = I(T_k \le C_k)$. Бунда F тақсимот функцияси (т.ф.) билан T_k т.м. ўнгдан цензурланади унга боглиқ бўлмаган C_k т.м. ва F_n^{RR} - F т.ф. учун рисклар нисбатининг даражали баҳоси.

Диссертациянинг "**Замонавий эмпирик процесслар назариясининг таърифлари ва баъзи асосий натижалари. Боғлиқсизликнинг классик**

эмпирик процесслари учун кучли аппроксимация натижалари” деб номланувчи биринчи боби асосан ёрдамчи қисм бўлиб, 4 та параграфдан иборат. Биринчи параграфда кузатилмалар индикаторлари орқали аниқланган классик эмпирик процесслар учун маълум натижалар келтирилган ва $\rho = \|\cdot\|_{\infty}$ текис метрикага эга иккинчи турдаги узилишларсиз функциялар $\mathbb{D}(\mathbb{R})$ фазосида суст яқинлашишни кўриб чиқишда юзага келадиган муаммо таъкидланган. $(\mathbb{D}(\mathbb{R}), \rho)$ носепарабел бўлганлиги сабабли, бундан келиб чиқадики эмпирик процесс ўлчовсиз акслантириш бўлади. Ушбу муаммо 1965 йил Д.М. Чибисов томонидан қайд этилган. Замонавий эмпирик процесслар назарияси умумийрок фазоларда суст якинлашишни аниклаш учун бошка ўзининг ёндашувларига эга бўлиб ушбу муаммони четлаб ўтади. Айтайлик ушбу $\left(l^{\infty}(\mathcal{F}), \|Z(f)\|_{\mathcal{F}}\right)$ фазода, буни таъкидлаш лозим, бу ерда $l^{\infty}(\mathcal{F})-$ $\|Z(f)\|_{\mathcal{F}} = \sup\{Z(f), f \in \mathcal{F}\}$ супремум-нормага эга бўлган барча чегараланган $f : \mathcal{F} \to \mathbb{R}$ функциялар фазоси. Ушбу ёндашув ташқи интеграл ва ташқи эҳтимоллик тушунчаларига асосланган. Стохастик якинлашишнинг замонавий назариясининг айрим маълумот ва ёндашувлари иккинчи параграфида келтирилган. $\mathcal{F}-$индексланган эмпирик процессларни ўрганишда, $\mathcal{F}-$ўлчовли функсиялар синфининг мураккаблик даражасига энтропия шартлари деб аталувчи шартларни қўйиш керак бўлади. Шу бобнинг учинчи параграфида замонавий адабиётларда мос энтропия шартларига эга бўлган Гливенко-Кантелли ва Донскер теоремалари деб аталадиган ўлчовли функциялар синфи билан индексланган эмпирик процесслари ва улар учун $\mathcal{F}$ синфи бўйича текис КСҚ ва МЛТ аниқланган. Ушбу шартларга тўгри келган $\mathcal{F}$ синфлар, Гливенко-Кантелли ва Донскернинг синфлари деб ҳам аталади.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфидаги натижаларни тавсифлаш учун (X_k, δ_k) вектор томонидан яратилган $(\mathcal{X} \otimes \{0,1\}, \mathcal{U}, \mathcal{P})$ статистик моделни ва ушбу вектор компоненталарининг боглиқсизлиги ҳақидаги $\mathcal{H}$ гипотезасини кўрилган. Бундан ташқари, $\mathcal{F}$ синфи индикаторлар синфи бўлганида $\mathcal{F} = \{I(-\infty, t], t \in \mathbb{R}\}$, (9) боглиқсизлик эмпирик процессининг хусусий холи кўрилган. $\mathbb{B} = (-\infty, t]$, $\mathbb{Q}_m((-\infty, t]) = H_m(t)$, $\mathbb{Q}_{mn}((-\infty, t]) = H_{mn}(t)$, $m = 0,1$, $\mathbb{Q}((-\infty, t]) = H(t)$, $\mathbb{Q}_n((-\infty, t]) = H_n(t)$, $\Lambda((-\infty, t]) = \Lambda(t)$, $\Lambda_n((-\infty, t]) = \Lambda_n(t)$ бўлсин. У ҳолда, $\Lambda(t) = H_1(t) - pH(t)$ ва $\mathcal{H}$ гипотеза ўринлигида $\Lambda(\mathbb{B}) = 0$ ҳар қандай $t \in \mathbb{R}$ учун. Бу ҳолда процесс (10) қуйидагича аниқланади

$$\left\{\Delta_n(t) = \Delta_n((-\infty, t]) = \left(\frac{n}{p_n(1-p_n)}\right)^{1/2} \left(\Lambda_n(t) - \Lambda(t)\right), \quad t \in \mathbb{R}\right\}, \quad (13)$$

бу ерда, $p_n = \lim_{t\to\infty} H_{1n}(t)$.

Классик Гливенко-Кантелли теоремасига кўра,

$$\lim_{n\to\infty} \sup_{-\infty<t<\infty} \left|\Delta_n(t)\right| \xrightarrow{\partial.x.} 0 \tag{14}$$

эканини осонгина кўриш мумкин.

Аппроксимияцияловчи сифатида (13) жараён учун куйдаги Гаусс процессларининг кетма-кетлигини кўриб чиқамиз

$$\left\{\Delta_n^0(t) = \left[p(1-p)\right]^{-1/2}\left(\mathbb{B}_{1n}(t) - p\mathbb{B}_n(t) - H(t)\mathbb{B}_{1n}(+\infty)\right),\ t\in\mathbb{R}\right\},$$

бу ерда, $\left(\mathbb{B}_n\left(H(t_1)\right), \mathbb{B}_{1n}\left(H(t_2)\right)\right)$ - ўртачаси нол ва $t_1, t_2 \in \mathbb{R}$ бўлганда ковариация структураси

$$\begin{aligned} E\mathbb{B}_n(t_1)\mathbb{B}_n(t_2) &= min(H(t_1), H(t_2)) - H(t_1)H(t_2), \\ E\mathbb{B}_n(t_1)\mathbb{B}_{1n}(t_2) &= min(H_1(t_1), H_1(t_2)) - H(t_1)H_1(t_2), \\ E\mathbb{B}_{1n}(t_1)\mathbb{B}_{1n}(t_2) &= min(H_1(t_1), H_1(t_2)) - H_1(t_1)H_1(t_2), \end{aligned} \tag{15}$$

бўлган вектор-кийматли Гаусс процессларидир.

$\varepsilon > 0$ сони учун қуйидаги шартни кўриб чиқамиз

$$\frac{n}{\log n} \ge 4(1+\varepsilon)\max\left\{p^{-2}, (1-p)^{-2}\right\} \tag{16}$$

1-теорема. (16) шарт бажарилсин. У ҳолда, етарлича бой $(\Omega, \mathcal{A}, P)$ эҳтимоллик фазосида, куйидаги аппроксимация ўринли

$$\mathbb{P}\left(\sup_{t\in\mathbb{R}}\left|\Delta_n(t) - \Delta_n^0(t)\right| > \mathbb{C}_0 n^{-1/2}\log n\right) \le \mathbb{K}_0 n^{-(1+\varepsilon)}, \tag{17}$$

бу ерда, $\mathbb{C}_0 = \mathbb{C}_0(\varepsilon, p, H)$ ва $\mathbb{K}_0$ (абсолют) мусбат ўзгармас сонлар. $\left\{\mathbb{B}(y), 0\le y\le 1\right\}$ - Броун коприги. (17) аппроксимациянинг якинлашиш тезлиги оптималдир.

1-хулоса. Борел-Кантелли леммасига асосан (17) дан

$$\sup_{t\in\mathbb{R}}\left|\Delta_n(t) - \Delta_n^0(t)\right| \overset{\partial.x.}{=} \mathbb{O}\left(n^{-1/2}\log n\right). \tag{18}$$

Ҳар $n\ge 1$ да, $\mathcal{H}$ гипотезани ўринлигида

$$\Delta_n^0(t) \overset{D}{=} \mathbb{B}\left(H(t)\right), \qquad t\in\mathbb{R}. \tag{19}$$

Шунингдек, $n\to\infty$ да (18) ва (19) дан Донскер теоремасининг куйдаги аналоги келиб чиқади

$$\mathbb{D}(\mathbb{R}) \ \text{ да } \ \Delta_n(t) \overset{D}{\Rightarrow} \mathbb{B}\left(H(t)\right). \tag{20}$$

(20) якинлашиш муҳим амалий аҳамиятга ега. Уни $\psi(\Delta_n)$ статистика ёрдамида, $\mathcal{H}$ гипотезани текшириш учун критерийларни куришда кўллашимиз мумкин.

2-теорема. $\psi:\mathbb{D}(\mathbb{R})\to\mathbb{R}$ функционал Липшиц шартини каноатлантирсин

$$\left|\psi(u_1)-\psi(u_2)\right|\le L\cdot\sup_{0\le y\le 1}\left|u_1(y)-u_2(y)\right|,$$

бу ерда, $L>0$ бирор мусбат ўзгармас сон. Фараз қилайлик, $\psi(\mathbb{B}(y))$ т.м. Лебег ўлчовига нисбатан чегараланган зичликка эга бўлсин. У ҳолда, 1-теорема шартларида ва $\mathcal{H}$ гипотезанинг ўринлигида

$$\sup_{-\infty<x<+\infty}\left|\mathbb{P}\left(\psi\left(\Delta_n(\cdot)\right)\le x\right)-\mathbb{P}\left(\psi\left(\mathbb{B}\left(H(\cdot)\right)\right)\le x\right)\right|=\mathbb{O}\left(n^{-1/2}\log n\right) \qquad (21)$$

яъни $\psi_n(\Delta_n)$ статистиканинг тақсимоти $\psi(\mathbb{B})$ т.м. тақсимотига яқинлашиш тезлигини топиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Ўлчовли функциялар синфида аниқланган боғлиқсизликнинг эмпирик процесслари”** деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфда эмпирик процессларнинг замонавий назарияси усулларидан фойдаланган ҳолда $\mathcal{F}$-индексланган жараён (10) ўрганилади. Гливенко-Кантелли ва Донскер теоремаларининг текис вариантларини исботлаш учун биз синф мураккаблигини, яъни $\mathcal{F}$ синфнинг энтропиясини аниқлаймиз. $\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$ - $f:\mathfrak{X}\to\mathbb{R}$ функциялар фазоси қуйидаги нормага эга бўлсин:

$$\|f\|_{\mathbb{Q},q}=\left(\mathbb{Q}|f|^q\right)^{1/q}=\left\{\int_{\mathfrak{X}}|f|^q d\mathbb{Q}\right\}^{1/q}.$$

$\mathcal{F}$ синфи энтропиясини аниқлаш учун $\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$да $\varepsilon-$bracket тушунчасини киритамиз. $\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$ даги $\varepsilon-$bracket - $\varphi,\psi\in\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$ функциялар жуфтлиги бўлиб, улар учун $\mathbb{Q}\left(\varphi(X)\le\psi(X)\right)=1$ ва $\|\psi-\varphi\|_{\mathbb{Q},q}\le\varepsilon$, яъни $\mathbb{Q}(\psi-\varphi)^q\le\varepsilon^q$ бўлса. Агар $\mathbb{Q}\left(\varphi(X)\le f(X)\le\psi(X)\right)=1$ бўлса, у ҳолда $f(x)$ функция $\varepsilon-$bracket $[\varphi,\psi]$ билан қопланади. Эътибор берайлик, φ ва ψ функциялари $\mathcal{F}$ синфига тегишли бўлмаслиги мумкин, лекин улар чекли $\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$ нормаларга эга бўлиши керак. $\varepsilon-$bracket сони $N_{[\,]}\left(\varepsilon,\mathcal{F},\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})\right)$, $\mathcal{F}$ синфини коплаш учун зарур бўлган $\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$ даги $\varepsilon-$bracket ларнинг энг кичик сонидир:

$$N_{[\,]}\left(\varepsilon,\mathcal{F},\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})\right)=\min\Big\{k:\text{баъзи } f_1,\ldots,f_k\in\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$$
$$\text{шу каби } \mathcal{F}\subset\bigcup_{i,j}\left[f_i,f_j\right]:\left\|f_j-f_i\right\|_{\mathbb{Q},q}\le\varepsilon\Big\}. \qquad (22)$$

Тушунарлики, $\varepsilon\downarrow 0$да (22) сон $+\infty$ га интилади. $H_q(\varepsilon)=\log N_{[\,]}\left(\varepsilon,\mathcal{F},\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})\right)$ сони $\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})$да $\mathcal{F}$ синфнинг метрик энтропияси деб номланади.

Метрик энтропиянинг интегралини ҳам аниқлаймиз:

$$J_{[\,]}^{(q)}(\delta)=J_{[\,]}\left(\delta;\mathcal{F};\mathcal{L}_q(\mathbb{Q})\right)=\int_0^{\delta}\left(H_q(\varepsilon)\right)^{1/2}d\varepsilon,\qquad 0<\delta\le 1. \quad (23)$$

(23) интеграл метрик энтропиянинг ўсишини назорат қилиш учун ишлатилади.

$\mathbb{Q}_m,\, m=0,1$ субўлчовларга мос $\varepsilon-$bracket лар сони, метрик энтропиялар ва уларнинг интегралларини $N_{m[\,]}\left(\varepsilon,\mathcal{F},\mathcal{L}_q(\mathbb{Q}_m)\right)$, $H_{mq}(\varepsilon)$ ва $J_{m[\,]}^{(q)}(\delta)$ лар орқали белгилаймиз. $l^{\infty}(\mathcal{F})$ эса $\|\mathcal{Z}(f)\|_{\mathcal{F}}=\sup\left\{|\mathcal{Z}(f)|,\, f\in\mathcal{F}\right\}$ супремум-норма билан $\mathcal{F}$ да чегараланган функциялар фазоси бўлсин.

Қуйидаги Донскер типидаги теорема $\mathcal{F}$ синфга кучлироқ иккинчи тартибли шартларни юклайди.

3-теорема. $\mathcal{F}$ синф $\mathcal{F}\subset\mathcal{L}_2(\mathbb{Q}_m)$ ва $J_{m[\,]}^{(2)}(1)<\infty,\, m=0,1$ бўлсин. У ҳолда $n\to\infty$ да

$$l^{\infty}(\mathcal{F}) \text{ да } \Delta_n f\overset{D}{\Rightarrow}\Delta f$$

Бу ерда $\{\Delta f,\ f\in\mathcal{F}\}$ — ўртачаси нол бўлган Гаусс жараёни $\mathcal{H}$ гипотеза ўринлигида

$$E\mathbb{A}f\cdot\mathbb{A}g=\mathbb{Q}fg-\mathbb{Q}f\,\mathbb{Q}g.\ \ f,g\in\mathcal{F}$$

ковариацияси билан $\{\mathbb{A}f,\ f\in\mathcal{F}\}$ $\mathbb{Q}$- Броун кўприги билан устма-уст тушади.

Эътибор бериш керакки, $\mathcal{F}=\left\{I(-\infty,t],\, t\in\mathbb{R}\right\}$ бўлганда $\mathbb{A}f$ жараёни $H-$ Броун кўприги билан $\mathbb{B}\left(H(t)\right)$устма-уст тушади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида эса тасодифий ҳажмли танланмада (9) жараён ўрганилади.

Учинчи параграфда индикаторлар синфи билан индексланган боғлиқсизликнинг эмпирик (13) процесси ўнгдан тасодифий цензурланиш моделида $\mathcal{H}$ гипотезасини текшириш учун Колмогоров критерийсини қуришда ишлатилган. Бу моделда ушбу гипотеза пропорционал интенсивликлар тўғрисидаги гипотезага эквивалентдир. Мисол сифатида $n=97$ ҳажмли танланмада мос критерийларнинг асослилиги кўрсатилган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида эса боғлиқсизликнинг қуйдаги эмпирик характеристик процессларини $\mathcal{F}=\left\{t\mapsto e^{ist}:|s|\le 1/2\right\}$ текис индекслаш синфи бўйича тадқиқ қилишга бағишланган

$$\left\{\mathcal{D}_n(s)=\int_{-\infty}^{\infty}e^{ist}\,d\Delta_n(t),\ s\in\mathbb{R},\ n\ge 1\right\}.$$

Жумладан, бу жараён тақсимоти $\mathbb{C}\left[-1/2;1/2\right]$ фазода $\mathcal{H}$ гипотеза ўринлигида $\gamma(s)=\int_{-\infty}^{\infty}e^{ist}\,dB\left(H(t)\right)$ тақсимоти билан мос келадиган марказлашган комплекс қийматли Гаусс процессига суст яқинлашади.

Диссертациянинг **“Ўлчовли функциялари синфи билан индексланган кетма-кет эмпирик процесслар”** деб номланган учинчи боби (10)-(12) процессларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Бу бобнинг биринчи параграфида (10) жараён учун текис КСҚ ва МЛТ ўрнатилган. Қуйидаги теорема кетма-кет ККСҚ ни $T=[0,1]$ бўйича текис тасдиқлайди.

4-теорема. Фараз қилайлик, $\mathbb{Q}_m f^2<\infty$, $m=0,1$, $f\in\mathcal{F}$ бўлсин. У ҳолда $n\to\infty$ да

$$\left\|\frac{[ns]}{n}\left(\Lambda_{[ns]}-\Lambda\right)f\right\|_T\xrightarrow{\partial.x}0.$$

Шуни таъкидлаш лозимки, 4-теорема шартидан четлашиш мумкин эмас. Аммо, эҳтимолликк бўйича яқинлашиш учун $\mathbb{Q}_m|f|<\infty$, $m=0,1$, $f\in\mathcal{F}$ шартини бажарилиши кифоя.

$\mathcal{D}=T\otimes\mathcal{F}$ да эмпирик майдонларни киритамиз:

$$\mathbb{Y}_n(s;f)=\mathbb{Y}_{0n}(s;f)+\mathbb{Y}_{1n}(s;f),$$

$$\mathbb{Z}_n(s;f)=\sqrt{n}\mathbb{Y}_n(s;f)=\mathbb{Z}_{0n}(s;f)+\mathbb{Z}_{1n}(s;f),$$

бу ерда

$$\mathbb{Y}_{0n}(s;f)=\frac{[ns]}{n}\sum_{k=1}^{[ns]}\left((1-\delta_k)f(X_k)-\mathbb{Q}_0 f(X_k)\right),$$

$$\mathbb{Y}_{1n}(s;f)=\frac{[ns]}{n}\sum_{k=1}^{[ns]}\left(\delta_k f(X_k)-\mathbb{Q}_1 f(X_k)\right),$$

ва $m=0,1$ бўлганида

$$\mathbb{Z}_{mn}(s;f)=\sqrt{\frac{[ns]}{n}}G_{m[ns]}f,\ \mathbb{Z}_{mn}(1;f)=\mathbb{G}_{mn}f=\sqrt{n}\left(\mathbb{Q}_{mn}-\mathbb{Q}_m\right)f.$$

$l^\infty(\mathcal{D})$ – $\mathcal{D}$ даги $\|.\|_{\mathcal{D}}$ супремум-норма билан барча чегараланган функциялар фазоси бўлсин.

5-теорема. Универсал константа $\mathbb{C}$ мавжуд бўлиб, ихтиёрий $\varepsilon>0$ учун

$$\mathbb{P}^*\left(\left\|\mathbb{Y}_n(s;f)\right\|_{\mathcal{D}}>4\varepsilon\right)\le 2\mathbb{C}\max_{m=0,1}\mathbb{P}^*\left(\left\|\mathbb{Y}_{mn}(1;f)\right\|_{\mathcal{F}}>\varepsilon\right). \qquad (24)$$

Бу теорема $\mathcal{D}$ бўйича текис КСҚ ни $\mathcal{F}$ бўйича текис КСҚ га алмаштириш имконини беради.

1-таъриф. Агар $\mathcal{F}$ ўлчовли функциялар синфи учун $n\to\infty$ да

$$\left\|\mathbb{Y}_n(s;f)\right\|_{\mathcal{D}}^*\xrightarrow{p}0$$

шарт бажарилса, у ҳолда бу синфга **Гливенко-Кантеллининг кетма-кет суст синфи** дейилади.

